

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2835,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 2829,3 кишига ёки 0,2 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	13243	11692	-1551	19,0	16,7
Ўлганлар	4345	3898	-447	6,2	5,6
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	152	135	-17	10,4	9,6
Табиий ўсиш	8898	7794	-1104	12,8	11,1
Никоҳлар	3445	3559	114	5,0	5,0
Ажралишлар	844	890	46	1,2	1,2

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 11692 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (13243 киши) нисбатан 1551 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,7 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (19,0 промилле) нисбатан 2,3 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Олмалиқ шаҳрида (19,2 дан 17,8 промиллега) Бекобод шаҳрида (16,1 дан 14,7 промиллега), Чирчиқ шаҳрида (14,9 дан 12,6 промиллега), Оққўрғон (20,0 дан 17,5 промиллега), Оҳангарон (20,0 дан 15,8 промиллега) Бўстонлик (17,8 дан 17,9 промиллега), Бўка (22,2 дан 15,6 промиллега), Қибрай (18,5 дан 15,0 промиллега), Янгийўл (18,9 дан 16,2 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-мартда ўлганлар сони 3898 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (4345 киши) нисбатан 447 тага камайган. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,6 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-мартда – 6,2 промилле).

¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлганлар сонининг камайиши Олмалиқ (9.4 дан 7.5 промиллега), шаҳрида, Оққўрғон (5.2 дан 4,1 промиллега), Зангиота (6.0 дан 4.6 промиллега), Қуйичирчиқ (6.3 дан 4.7 промиллега), туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 62,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,9 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,8 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,4 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,9 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 135 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 9.6 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-мартида 10,4 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 43,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 31,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 8,9 фоизи – туғма аномалиялардан ва 2,2 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 3559 та никоҳлар ва 890 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,0 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 5,0 та) ва 1,2 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4995 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 6565 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1570 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 550 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Зангиота (минус 401), Бўстонлик (минус 228), Бекобод тумани (минус 148) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 100,4 фоизга кўпайиб, 1620,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,1 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 4301 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Бекобод (225 кишига), Ангрэн (280 кишига) шаҳарларида, Янгийўл (393 кишига), Зангиота (427 кишига), Ўртачирчиқ (255 кишига), Юқоричирчиқ (242 кишига), Паркент (280 кишига) ва Қибрай (208 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 4094 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Ангрэн (265 киши) шаҳрида, Янгийўл (390 киши), Зангиота (417 киши), Ўртачирчиқ (229 киши), Бўстонлик (250 киши) ва Паркент (259 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 102 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

